

---

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг республика босқичида совриндор бўлган деҳқонободлик ёшларнинг маҳалласида спорт майдончаси қурилади

Аввал хабар берилганидек, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичларида Ўзбекистон туманилик ёшлар фаол иштирок этиб, Республика финал босқичи йўлланмасига эга чиқишган эди.

Ана шу спортсеварлар орасида “Деҳқонобод” маҳалласи ёшлари пойтахтда бўлиб ўтган якуний финал босқичи мусобақаларида ҳам салмоқли натижаларга эришди.

Жорий йилнинг 3-5 июл кунлари Тошкент шаҳрида олимпиаданинг енгил атлетика бўйича финал босқичи баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган, ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан йигит-қизлар беллашдилар. Мурсасиз кечган баҳсларда деҳқонободлик ёшлардан иборат жамоа 2-ўринни қўлга киритди.

Эндиликда Деҳқонободда 270 миллион сўм маблағ эвазига замонавий спорт майдончаси барпо этилади.





2024-07-06 11:46:28